



Мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ Харақати раҳбари Муҳаммад Солиҳ Мамадали Маҳмудовнинг 73 ёшга қириши муносабати билан мақола эълон қилган.

Миллат фидойиси

Баъзан Ўзбекистонда яшаётган дўстларимизни соғинамиз, оғир кунларимизда биз билан ёнма-ён турган, бизга далда беришдан кўркамган дўстларимизни соғинамиз.

Уларга миннатдорлик туйғуси ичида, кўнглимиз эрраниб, бирдан телефон қилгимиз келади. Хеч бўлмаганда, телефон орқали оддий бир инсоний салом йўллагимиз келади, аммо ўзимизни тиямиз.

Сабаби, ўлкада исмини талаффуз этиш айб саналган кишиларнинг кўнғироғи бу дўстларга зарар келтириши эҳтимолидан андиша қиламиз.

Шундай бизга ватанда азиз бўлган 4-5 кишидан биттаси Туркистоннинг

улуғ шоири Абдурауф Парфи эди. Унинг бизга бўлган дўстлик меҳрини узоқдан хис қилиб турсак-да, унга айна мезондаги меҳримизни изҳор қилаолмаганимиздан пушаймонлик туямиз.

Бу зот вафот этди, пушаймонлик туйғуси эса кун сайин кучаймоқда.

Бу аччиқ тажриба инсонларга бўлган севгимизни улар ўлгандан кейин эмас, улар тириклигида айтиб қолишимизга ундайди бизни.

МУҲАММАД СОЛИҲ МАМАДАЛИ МАҲМУДОВ ҲАҚИДА

Юқорида тилга олинган 4-5 киши орасида яқинда қамокдан чиққан Туркистон ғоясининг фидойиси, ўзбекнинг ғурурланса арзийдиган мард ёзувчиси Муҳаммадали Маҳмуд (Эврил Турон) ҳам бор.

Муҳаммадали Маҳмуд 1980 йиллар бошида Рус истилосига қарши ёзилган Туркистон миллиятчилиги ғоялари олға сурилган рамзий асарларни ёзди. Улар ҳали босилмасдан, КГБ хушёр тортди ва муаллифга турли йўллар билан тазйиқ ўтказа бошлади.

Янглишмасам, 1985 йил эди, ҳали Қайта Қуриш бошланмаганди. Уйда эдим, телефон жиринглади. Олсам, Муҳаммадали Маҳмуд. У айнан шундай деди:»Жўра, ҳозир мени

ширкатдан(КГБдан) бир полковник машинада олиб кетяпти, айланиб келамиз дейишди. Билинг-ки агар мени йўқ қилишса, улар йўқ қилган бўлади», дедию гапини битирди.

Оллоҳга шукр, унинг ярим кечада уйига қайтганини ўргандик.

Бу инсон ҳақида мен кўп нарса гапиришим ва ёзишим мумкин. Чунки бизнинг ёшлигимиз, ғоядошлигимиз узун муддат бир чизгида, бир

жуғрофияда кечди.

Муҳаммадали Маҳмуд ила Ташкентда видолашганимизга 20 йилдан ортиқ вақт ўтди. Мени «хаётингга хавф бор» деб, Ўзбекистонни тарк этишга исрор билан ундаган бу фидойий инсон кейин ўзи қамокқа кирди ва ҳеч бир ҳуқуқий сабабсиз, фақат бизга дўст бўлгани учун узоқ йиллар турмаларда азоб чекди.

Эртага шу инсоннинг тавваллуд кун.

Эртага Ўзбекистон истиқлолини умрининг бош ҳадафига айлантирган бир курашчининг туғилган кун.

Унга Оллоҳдан мустаҳкам соғлик, миллати ва оиласи учун хайрли бўлган узун ва баракатли бир умр тилаймиз.

bbc.co.uk

Гулнора Каримова бугун «Хуррият» газетасида айнан шундай баёнот берди: "Замондош" сайти Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг полковниги Юрий Савинков тарафидан ташкил қилинди».

Бу сайтнинг нима эканлигини ўқувчиларимиз яхши билишади.

МУХОЛИФАТ ИЧИДАГИ «ЗАМОНДОШ ҚУЛОК» ФОШ БЎЛДИ

Бу чаёнларнинг уяси, ўзбекнинг ҳақиқий ўғлонларига лой чаплаш билан кун ўтказадиган инсон қиёфасидаги махлуқлар қароргоҳидир.

Унинг бошида алмисокдан қолган фирибгар-фитначи Ма-

матов Жаҳонгир ва унинг шогирди ароқхўр-фитначи Обидов Ризо туради.

Бу икки нуханинг на ўзбек миллатига, на бу миллатнинг дардига алоқаси бор.

Маълумки, бу чаёнлар уясини ташкил қилган Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг

полковниги Юрий Савинков ҳақида илк бор политолог Усмон Ҳақназаров хабар берган эди.

Мана, энди унинг қилмишлари ҳақда Ўзбекистон раҳбарининг қизи шахсан хабар бермоқда.

Яқинда, Савинковнинг мухо-



лифат ичидаги чаёнларга қанча доллар тулаётгани ҳақда ҳам маълумотлар чиқиб қолса, ажаб эмас.

Шавкат Саримсоқов

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоли Фахриддин Тиллоев Тошкент шаҳар Чилонзор туман Жиноят ишлари бўйича судининг шу йил 29 ноябр куни чиқарган қарорига биноан Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Бунга Тиллоев Фахриддин Ҳабибуллаевич Ўзбекистон давлати фойдасига 7 миллион 235 минг 500 сўм миқдорда маъмурий жарима ундириш тўғрисидаги суд қарорини бажармагани асос қилиб олинган.

ЎХХ ФАОЛИ ФАХРИДДИН ТИЛЛАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЧИҚИШИ ТАЪҚИҚЛАНДИ

«2012 йил 23 ноябрда кўзғатилган 26107/27 ижро иши бўйича 15.08.1971 йилда туғилган, паспорт номери АА 0721916, 2013 йил 23 январ куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ томонидан берилган ҳозирда Чилонзор туман, 7 мавзе, 50 уй, 44 хонадонда яшовчи қарздор Тиллоев Фахриддин Ҳабибуллаевич Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқлари вақтинча чеклансин», дейилади Чилонзор туман суд ижрочилари бўлим бошлиғи катта суд ижрочиси Б.Ж. Салойдинов томонидан шу йилнинг 29 ноябрида тасдиқланган қарорда.

Ўз навбатида фуқаро Фахриддин Тиллоев 2012 йилнинг 5 декабр куни Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман суди қарори устидан юқори органларга тушунтириш хати ёзиб берганини маълум

қилди:

«Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суди қарори юзасидан юқори инстанцияларга мурожаат қилганман. Менинг ушбу мурожаатларим Тошкент шаҳар суди томонидан кўриб чиқилди.

Бирок, 2013 йил 23 сентябрида Ҳамза туман суди қабул қилган қарорни ўз кучида қолдирди.

Шундан сўнг мен бу катта миқдордаги жаримани тўлашга ҳеч қандай имкониятим йўқлигини, икки

нафар вояга етмаган фарзандим борлиги ва вақтинча ҳеч қерда ишламаётганимни Чилонзор туман суд ижрочиларига ёзма равишда билдирдим.

Суд ижрочилар бўлими суд ижрочиси Ш.А. Аҳмадбекова тушунтириш хатимни делого тиркади.

Аммо орадан бир йил ўтиб Аҳмадбекова мени мажбурий равишда чақирди ва «қарзингни қачон тўлайсан?», деб тергади.

Ваҳоланки, республика Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида «суднинг қарори юзасидан маъмурий жаримани ундиришда, агар қарор ижроси ўз вақтида ўндирилмай қолиб кетса, қарздор томонлар қарзини тўлашга имкониятлари бўлмаса, унда унинг мол-мулки мусодара қилинади.

Агар бунга ҳам, имконияти ет-

маса, қарздордан қарзини давлат фойдасига ундириб бериш қатъийан манъ этилади» деб кўрсатилган, дейди ЎХХнинг бир жинояти учун икки қайта судланган фаоли Фахриддин Тиллоев.

Фахриддин Тиллоев орадан бир йил ўтиб республика қонуналарини четлаб, 29 ноябр куни адолатсиз қарор чиқарган Чилонзор туман суд ижрочилари уйида тинтув ўтказганини ва ўзига тегишли «Hisense» русумли телевизорни тортиб олганларини айтади.

«Бу ҳам етмагандай, шу йилнинг 29 ноябр куни Ўзбекистондан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида» қарор ҳам қабул қилдилар», деди ЎХХ фаоли Фахриддин Тиллоев.

Тошкент шаҳр турғуни Мансуржон Фозилжоновнинг маълум қилишича, шу йилнинг 3 декабр куни ҳаракатнинг бошқа аъзоси Жуманиёзов Нуриддин Райимбергеновичнинг уйи ҳам суд ижрочилари томонидан тинтув қилинган ва унга тегишли «Samsung» русумли ноутбук ва бошқа техник ускуналари олиб кетилган.

Фозилжоновнинг гапига қараганда, ЎХХнинг фаол аъзолари иккинчи марта судланишига «Шу йилнинг 2 декабр куни фуқаро Абдулло Тожибой ўғли Фахриддин Тиллоев ва Нуриддин Жуманиёзовлар устидан суд идораларига ёзган шикоят аризалари тўртки бўлган».

Эслатиб ўтамиз, Абдулло Тожибой ўғли «Эрк» партияси ва ЎХХ аъзолигидан чиқарилган.



«Даракчи»да ишлаган бир журналист қизча ўз газетасининг «катта ўйин» қурбони бўлганини ёзди. Яна бировлар эса газетага «кўз тегди», «ис кирди», «жин чалди» деган мистик калималарни айтишмоқда.

Бу одамлар Ўзбекистон президентининг 20 йилдан бери матбуот душманлари рўйхатидан тушмай келганини билишмайдими? Ўзбекистоннинг Шимолий Корея ёки Туркманистон каби матбуоти бўғилган мамлакат экани ҳақидаги гапларни бировлар чайнайдиغان сақич деб ўйлашадими.

1999 йили Урганчдаги TV ALC ёпилганида «Даракчи»дагилар навбат бизга келмайди, чунки биз ҳеч кимни танқид қилмадикку, деб ўзини овутишди. Урганчлик Сардор деган йигит ҳеч кимни танқид қилмасдан фақат кўнгилочар дастур қилинса олам гулистон деб айтган эди.

Ҳозир Сардор қамоқда. Балким Фирдавс ҳам қамоқдадир.

КАТТА ЎЙИНИНГ КИЧИК ҚУРБОНЛАРИ

«Даракчи»даги журналист қизга айтадиганим: «Катта ўйин» бошланганига 20 йилдан ошди синглим. Кўзингизни мошдек очиб атрофга қаранг, Бу ўйинни бошида Каримов турибди.

Бугун мазлум каби кўринган Фирдавс Абдуҳолиқов эса ўша тизимниг лаббайчи саллоти ва фаол шотири эди.

Абдуҳолиқов раҳбарлигидаги НА-ЕСМИ каналлари Мухаммад Солиҳ, Обид Қори, Алишер Соиповлар

ҳақида СНБ таёрлаган кўрсатувларни тарқатиб зулмага ҳизмат қилгани ёлғонми. «Озодлик» журналистларига таҳдид қилинган кўрсатувлар ҳам айнан Абдуҳолиқов пешволигида эфирга узатилган эди.

Бор гап шу. Жазо машинаси ўз эгаларини домига тортиши физика ва фалсафанинг муштарак қонунидир.

PS. «Даракчи»да ишлаган журналист қизча ўз газетасини ёпганларга қарата «Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирманг» дебди. Ким у бурга ёки бит? Фирдавсми ё Гулнорами? Ёки Рустам Иноятлов билан Шавкат Мирзиёевми? Кўрпа дегани нима. Оммавий Ахборот Воситасими?

Ўзбекистонда бундай кўрпа борми ўзи? Бор бўлса кимлар ёпинади уни? Бу саволларнинг жавоби ўзи билан.

Шуҳрат Бобожон

(Каримовми ёки Ҳавелми)

«Дунё ўзбеклари»да босилган журналист Исмат Хушевнинг «Муҳаммад Солиҳга отилган ўқ — «Истанбулга саёҳат» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқидим. Уни ўқиб, эсимга ...Ватслав Ҳавел тушди. Тушунтираман.

Қайта Қуриш даврида сиёсатшуносликка жуда кўп янги терминлар кириб келди — «Прагматизм», «Иқтисодчи президент», «Гуманитар президент» ва ҳақозо. Исмат Хушев юқорида айтилган мақоласида ўша терминларнинг ҳаётимизга нақадар сингиб кетганини кўрсатади. Унинг тезиси бўйича ўзбеклар учун «Иқтисодчи президент»дан бошқа бир танлов йўқ. Аслида, шундайми?

Гапни идеаллосидан бошлайман. Совет давлати каби коммунистик давлат бўлган Чехословакияда адабиётчи ва диссидент Ҳавел президентликка қандай сайланиб қолди?

ИҚТИСОДЧИМИ ЁХУД АДАБИЁТЧИ?

Ҳавел эски коммунистлар ва халқнинг дастаги билан сайланди.

Яъни коммунистлар халқнинг Ҳавелга бўлган ҳурматини кўриб, Ҳавел сиймосида ўзларининг кечаги душманини сайлади. Чехословакия Федерал Мажлиси 1989 йил 29 декабрда Владислав залида тўпланиб, тарихий қарор олди, Ҳавелни давлат бошига келтирди. Ҳавел давлат бошига келгандан сўнг мухолифат ўзининг кенг миқёсдаги митингларини дарҳол тугатди. Жамиятдаги поракандалик, хаос ўрнига хузур халоват пайдо бўлди, тўхтаб қолган корхоналар ишлай бошлади.

Ватслав Ҳавел президент этиб сайланганда бизнинг ҳурматли иқтисодчимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Компартияси биринчи котиби қилиб сайланганига ярим йил бўлганда. У Тошкентдан туриб шундай писанда қилди: «Адабиётчидан ҳам давлат бошлиғи бўладими, бу Ҳавел шеърини ёзиб ўтирса бўлмайдими, давлат бошқариш осон иш эмас!», деди.

Икки йил ўтди, бу орада коммунистларнинг суянган тоғи Совет Иттифоқи қўлади, коммунистлар эса М.Солиҳ айтганидай «бир думалаб, миллий лидерларга айланишди». Москвада Янаев хунтасининг муваффақиятсизликка учраганидан кейин иқтисодчи Каримов 1991 йил 29 августда иккинчи бор Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди. Олий Кенгашдаги депутатлар бу мустақиллик эълонига негадир қарсак чалишмади. Каримов»нега қарсак чалмаяпсизлар, деб хафа бўлди, аммо йўлида давом этди, у 1991 йил охирига президентлик сайловини ўтказишга қарор қилди. Сайлов тақдир тақозоси билан худди Чехословакиядаги каби 29 декабр кунига белгиланди. Яна тақдир тақозоси билан Ўзбекистондаги сайловда ҳам коммунист раҳбар қаршисига «адабиётчи номзод» (Муҳаммад Солиҳ) чиқди. Ҳурматли И.Каримов 1989 йил В. Ҳавелга қарата қилган писандасини энди ўз рақиби М.Солиҳга

қаратди: «адабиётчи шеърини ёзсин, давлат бошқариш осон иш эмас!», деди телевизордан. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда Чехословакияда бўлгани каби коммунистлар билан халқнинг бирлашуви бўлмади. Ўзбек коммунистлари Чехословак коммунистлари каби адабиётчини сайламади, ўзларининг эски коммунист хўжайинини сайлади.

Балки, Исмат Хушев шу факторга таяниб, ўзбек халқининг бу хусусиятини билгани учун ўз мақоласига шу икки тезисни жойлаштирдимикин?

Биринчи тезис — «бизниқига ўхшаган минтақаларда демократ қарашли лидерни сайлаш қийин». Бу фикрга мен тўла қўшиламан. ҳақиқатдан ҳам қийин. Аммо мумкин. (Бунинг мумкинлигини 1991 йил 29 декабрда ўтган сайловлар кўрсатди. Агар овоз беришда сохта-лаштириш бўлмаганида, сайлов натижалари бошқача бўларди, буни жуда кўп таҳлилчилар эътироф этганди ўша

йилларда). Исмат Хушев мақоласидан чиқадаган иккинчи тезис - «бизниқига ўхшаган давлатлар бошига демократ лидер келса, фожиа бўлади».

Бу фикрга қўшилмайман. Чунки бу фикрга қўшиладиган бўлсак, бизнинг давлатларга фақат ва доим диктаторлар керак, бошқаси келса фожиа бўлади, деган хулоса келиб чиқади.

Ҳолбуки, худди Чехословаклар каби ўзбек халқининг ҳам ўз «адабиётчи номзоди»га ҳурмати катта эди. Эркин сайлов бўлганида эди, балки адабиётчи номзод ғалаба қозонган бўларди. Балки, худди Ҳавел каби у ҳам бир муддат президентлик қилиб, сўнгра истеъфо қилган бўларди. Кейин яна Ҳавел каби халқининг талаби билан иккинчи марта президентликка сайланган бўларди. Халқини хор-зор қилмай, унга эрк берган бўларди, дунёда ўзбекнинг обрўси кўтарилган бўларди. Нега биз шундай бўлишини тасаввур қилишдан ожизмиз? Нега биз президентликда фақат диктаторнигина тасаввур қилаоламиз?

Иқтисодчи И.Абдуғаниевич ўша 1991 сайловдан кейин ўзбек халқига «август ойида ҳамма нарса яхши бўлади», дея ваъда берган эди. Мана, ўшандан бери 23 йил ўтди, 23 марта август келиб-кетди, аммо юртга фаровонлик келмади. Узоқ йиллардан бери, ўзбек миллатига мансуб миллионлаб эр-хотинлар бир парча нон топиш илинжида иш қидириб, дунё бўйлаб сарсон кезмоқда, кўпларининг уйларига нон эмас, уларнинг тобутлари қайтиб келмоқда. Биз халқ сифатида коммунистик бўйинтуруқдан, коммунистик дунёқарашдан қутулмас эканмиз, бу хор-зорлик давом этиши муқаррар...

P.S. Мен Муҳаммад Солиҳни Ватслав Ҳавелга тенглаштириб, оқсокол мухолиф-хуқуқдондан анча дакки эшитгандим, бу мақолам учун ҳам М.Солиҳ душманларидан яна калтак ейдиган бўлдимов, Оллоҳ шаърларидан сақласин!

Эркин Садриев



АЁ ДЎСТЛАР...

*Аё дўстлар, хўп шошилманг
осийлар даврасига,
Бир кун келиб ҳар бир ишин
жавоби бор дунёнинг.
Аё дўстлар, елинг тезроқ
яхшилар халқасига
Ул масканда ҳар бир онга
савоби бор дунёнинг.*

*Аё дўстлар, аёлларнинг
макри бўлармиш ёмон,
Алардин узоқ бўлганнинг
қалби бўлармиш омон.
Номаҳрамлар ичра бўлган
ҳар иш бўлармиш ёмон,
Авратин ётиб қўйингки,
ҳижоби бор дунёнинг.*

*Аё дўстлар, кибр бирлан
риёлик дуруст ишмас,
Кибр қилган киши бирла
Аллоҳ асло келишмас.
Қалб ичинда йиғланмаган
дуо ҳаққий нолишмас,
Холис бўлмас — қиёматда
азоби бор дунёнинг.*

*Аё дўстлар, етимларга
сахий бўлган мўминдир,
Унинг қалби иймон ила тўлиқдир,
лиммо-лимдир.
Бу дунёга келган ҳар бир бош
топгани — ўлимдир,
Мағрурланманг, йиқилгувси
туроби бор дунёнинг.*

*Аё дўстлар, бу тақдирга
исён қилманг ҳеч қачон,
Ундаги бор ёзув-чизув битилган
қай бир замон.
Мукофотга лойиқ бўлиб
боқинг сўнг манзил томон,
Ўн беш кунга ой чиқар,
сўнг офтоби бор дунёнинг.*

*Аё дўстлар, бир кун келиб
ҳамма топгайдир вафот,
Бевафо ёр учун қайгу
чекмакдин на бор нажот?!
Яхшиси, иймонимизни
чорласин боқий ҳаёт,
Муддат ўтиб иморатин
ҳароби бор дунёнинг.
Хайрулла Ҳамидов*

2015 йилда (агар уни яна ўзгартириб қолишмаса) Ўзбекистон Республикаси халқи яна сайлов кутилари олдига келиб, яна мамлакат президенти "сайлашади". Халқимизнинг "иродаси" доимо Ислон Абдуғанич атрофида гирдкапа-лак бўлиб келаётгани. Бу сафар эса эски президентни умрбод сенат аъзоси қилиб қолдириб, янги ҳукумдор "сайланадиган". У ким бўлади? Гулнара Каримовани, Шавкат Мирзиёевми, Рустам Иноятовми, ёки Рустам-жон Азимовми? Ҳозирча айна мана шу "сайланадиган" одамлар "номзадлар" атрофида элнинг боши гангияпти. Лекин билмаймизки, "жонажон" ҳукуматимиз бизга қанақа "сюрприз"

ЎХХ нинг фаол аъзоси бўлган сафдошимиз икки маротиба 15 суткадан режим "санаторийсига" йўлланма олган ва ҳар икки ҳолатда ҳам синмай чиқиб келган.

Энди уни тагин нима кутмоқда экан? Гап шундаки, бундан 1,5 йилча олдин муҳолифатдаги "Эрк" демократик партиясига аъзо бўлиб кирган Абдулла Тожибой ўғли сомсахона очиш учун партиянинг Бош котиби бўлган Отаназар Орпиповдан 2,5 минг доллар қарз олган ва бу бизнесдан келган даромаддан ташкилотга ёрдам уюштираман деб ваъда берган.

Аммо орадан 2 йил ўтганига қарамай, на сомсахонадан ва на пулдан дарак бор. Отаназар ака Орипов

зирлигида расмий рўйхатдан ўтган ҳам эмас. Утмайдиам! Айна мана шу ночор қатлам муаммолари билан машғул бўлиш Ф.Тиллаевни одам савдосига аралашганлик билан айблашни балки ҳукумат уюштираётган бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Абдулла Тожибой ўғли ҳозирда икки нафар мардикорни ёллаб, уларнинг кўмаклари билан эски сафдошларини «мардикорларни Қозоғистонга сотганликда» айблаш учун ҳаракат қилмоқда. Бундан мақсад, Отаназар Орифдан олган 2,5 минг доллар маблағни қайтиб бермаслик.

Албатта ўзбекнинг бир-бирига душман бўлиши одатга айланган. Бу одат яқинда пайдо бўлди десак муболаға бўларди. Бир неча ўн йиллардир, ким билсин, балки асрлардир, ўзбеклар орасида бир бирига зимдан ёвузлик қилиб келиши кузатиладиган ҳол. Гоҳида бу душманчилик ошқора ҳам олиб борилади, қачонки "дуппи тор келиб қолса". 2500 доллар пулни муҳолифат фаолитягини молиялаштириш учун сомсахона очишини баҳона қилган Абдулла Тожибой ўғлига ҳам ўша дуппи тор келган кўринадики, энди қасд олишга ўтибди. Яқинда почтамызга бу "бўлмайдиган президентдан" бир мактуб келиб тушди. Одатда бу инсон бунақа мактубларни кўпчиликка тарқатади. Луғавий ва имло хатолар билан лиқ тўлган бу мактубни таҳрир қилмасликка қарор қилдик.

Мардикорлар, Фарход Парпиев ва Эркиндан, яъни вақтинча "Муस्ताқил мардикорлар Касаба уюшмаси" ташкилотининг раҳбари Мирсоатов Абдуллох Тожибой ўғли номига, 22 ноябр 2013 йилда ариза тушди. Аризада, Джуманиязов ва Тиллаевларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан чора кўришини ва улар Қозоқистондаги олаолмаётган пуллари олиб беришлигини сўраганлар. Мардикорлар у ерда хору-зор, харҳил ҳақоротлару- калтакларни қозоқ иш берувчилардан еганини айтиб ёзганлар. Мен шу кунни телефон орқали Тиллаев билан боғлана олмадим, Джуманиязовга телефон орқали аризада ёзилган сўзлар билан юзлансам у мардикорларни ёмонлаб кетди, у улар ёмонлаб кетди.

Мен Джуманиязовга агар улар ёмон экан нега уларни яна қайтиб Ўзбекистонга олиб келмай қозоқлар чангалида қолдирдингиз деган саволимга агар мардикорлар мен билан судлашса мен судлашаман деб жавоб берди. Мардикорларнинг ёзишича, Джуманиязов Нураддин бу мардикорларни ёнлаб, Қозоқстон Чимкент шаҳридаги Хуррам исмли ҳамюртимизга сотган, у эса ўз навбатида қозоқ иш берувчиларга ўтказган. Мардикорлар, Хуррамдан эшитишича Фахриддин Тиллаев ҳам бир неча мардикорларни Қозоқистонга олиб бориб Хуррамга топширган.

(Давоми кейинги саҳифада)

АБДУЛЛА ТОЖИБОЙ ЎҒЛИНИНГ ЎХХ АЪЗОЛАРИ УСТИДАН ЁЗГАН «ДОНОС»НИНГ ТАҲЛИЛИ

қилиб бераркин. Бу ҳамма таниган ўғри каззоблардан бошқа одам қуриб кетибдими? Афсуски, қуриб кетган.

Муҳолифатнинг халқни тамсил қилиши мумкин бўлган лидерлари ёки турмада ёки муҳожиротда. «Муҳолиф лидер» мақомида мамлакатда қолганлари эса маскарбозлардан иборат. Масалан, ўтган галги "сайловларда" иштирок этишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилган "муस्ताқил номзад" Абдулло Тожибой ўғли. Бу зот анча шов-шувлар кўтариш билан 2007 йилги президент сайловида иштирок этишга кўп уринганди. Аммо...

«Аммо»дан аввал бир ҳақиқатни эътироф қилайлик: мавжуд ҳукумат халқнинг шундай жонига теканки, агар Ўзбекистонда эркин сайловлар ўтказилиб, инсон у ёкда турсин бирор чўпоннинг чўлиғи Ислон Абдуғаниевичга муқобил номзод деб эълон қилинса, у мутлоқ президент бўлиб сайланарди. Ҳа, халқимиз "иқтисодчи" президентдан шу қадар безиган!

Аммо муҳолифат муқобил номзод сифатида яна ўша Абдулла Тожибойни чиқарса, сайлов қанча эркин бўлмасин, бу номзод ўтмаслиги муқаррар. Нега?

Биринчидан, бу «зоти муҳтарам» чин маънода ўқиш ёзишни билмайдиган инсон. Саводи бошланғич мактабнинг 3-синфи савиясида. Интернетдан тарқатаётган русча «баёнотларини» Владимир Ҳусайнов деган одам ёзиб беришини ҳамма билади. Узбекча баёнот тарқатмайди, чунки уни ёзадиган одам йўқ, «номоздбойнинг» ўзи эса ёзолмайди...

Майли, асосий мавзуимизга келайлик. Яқинда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (УХХ) таҳририятига ҳаракатимиз фаолларидан бири Фахриддин Тиллаевдан қисқагина мактуб келди. Мактуб мазмунига кўра, ҳукуматимиз Ф.Тиллаевни тагин ҳам айбдор қилиш ҳаракатларини олиб бормоқда экан. Маълумингизким,

беморхонада бўлганлиги боис, бу пулни қайтариб олишни Фахриддин Тиллаевга топширган. Аммо Тожибой ўғли бу пулни талаб қилган Фахриддин Тиллаев ва Нуриддин Жуманиёзовга қарши жабҳа очиб, уруш элон қилган, «мардикорларни сен сотмоқчи бўлгансан» дея шантаж қила бошлаган. Бундан баттари ҳам бор.

2012 йил 23 сентябрь куни Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани "жиноят ишлари бўйича суди" юқорида исмли зикр қилинган муҳолифатчилар Фахриддин Тиллаев, Нуриддин Жуманиёзов ва Абдулло Тожибой ўғлини Ўзбекистон Маъмурий Жавобгарлик Тўғрисидаги Кодексининг (МЖТК) 202 моддаси 3 қисми билан жавобгар топиб, уларнинг ҳар биридан етти миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ундириб олинишига қарор чиқарган эди. Ушанда ҳеч ким бу 3 та мазлумдан биттаси бир кун келиб, золим тарафига ўтиб, ўзининг кечаги сафдошига тўхмат қилади деб ўйлмаганди!

Ҳа, бугун ўша Абдулла Тожибой ўғли ўша жарима қарорини "мен сизлар туфайлик жаримага тортилдим, ҳукумат менга бериладиган пенсиямни кесиб олмоқда деб ҳар жойда номимизни баъдном қилиб юрибди", — дейди Фахриддин Тиллаев.

"Яъни ҳукумат жазолагни учун биз айбдор эканмиз!" — дейди аччиқ киноя билан Ф.Тиллаев. — "Бу одам энди "Эрк" партиясининг маблағини қайтиб бермаслик учун яп-янги найранг ўйлаб топди — биз одам савдогари эканмиз, тасаввур қиласизми?" — дея хуноби чиқади унинг.

Гап шундаки, фаолимиз Фахриддин Тиллаев Ўзбекистондаги энг ночор қатлам бўлган мардикорлар ҳуқуқлари билан ҳам машғул бўлиб келади. Шу мақсадда у Ўзбекистонда "Мардикорлар Касаба уюшмаси"ни тузиш ҳаракатида ҳам бўлди. Тузди ҳам, аммо у Ўзбекистон Адлия ва-

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу “ЭРК” партияси аъзоларининг бу хатти –ҳаракатларидан партия раҳбарининг хабари йўқлигига мени гумоним бор. Чунки бу икки шахс айнан раҳбарларнинг гапидан келиб чиқиб мени номимни бадном қилиб юрганлигидан айрим кишилардан хабарим бор. Пардаев ва Эркинлар тегишли органларга ариза билан мурожаат этганлар. Тиллаев ва Джуманиязовлар уюшма аъзоликдан ҳайдалдилар.

Мурожаат учун тел: Фарход (+998-93) 542-80-21, эркин (+998-93) 519-32-76.

Уюшмани вақтинчалик раҳбари Мирсоатов Абдуллох Тожибой ўғли.

2 йил бу пуллардан фойдаланганингиз учун уларга ташаккур айтиб, пулларини тез қайтариб беринг. Сиз шу арзимаган пул учун инсоний кифангизни йўқотманг, ўз номингизни баъдном қилманг.

Уялинг. Зотан, сизнинг дасхатингиз турибди Отаназар акадан 2.500 доллар олганингиз ҳақида. Сизни маҳкамага берса, маҳкама ундириб беради-ку! Бу шармадалиқдан қўрмайсизми?

Бу ҳаракатларни тўхтатиб, олган омонатингизни қайтариб беринг, кечирим сўранг Фаҳриддиндан, Нуриддиндан ва Отаназар акадан. Акс ҳолда, ўзингиз шарманда бўласизку. Ҳурмат билан Тўлқин.

АБДУЛЛА ТОЖИБОЙ ЎҒЛИНИНГ УХХ АЪЗОЛАРИ УСТИДАН ЁЗГАН «ДОНОС»ИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Пресс-центр: “Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” жамоат бирлашмаси.

Албатта Абдулла Тожибой ўғли қийин аҳволда. Унга нисбатан ҳам суд турли чораларни қўллаган, ҳаттоки ўз уйи ҳам йўқ. Бироқ бу ҳолат бу “бўлмайд қолган президентимизга” УХХ аъзоларига тўхтат қилиш, бўҳтон уюштиришини оқламайдику. Ҳар неки, камина Абдулло Тожибой ўғлининг press.sentr@gmail.com электрон қутисига мактуб йўллаб уни инсофга чақиришга ҳам уриндик. Ахир айтадиларку: “чиқмаган жондан умид!” — деб.

Ассалому алайкум!

Абдулло ака, соғ-омонсиз? Нималар билан машгул бўлиб юрибсиз? Бир қараганда президентликка даъво қилаётгандингиз, яна пикетлар билан кўзга кўриндингиз. Энди эса УХХ фаолларини одам савдосида айблаш ҳаракатини бошлаб юборибсиз. Сизни тушуниб бўлмаяпти: муҳолифатга ошномсиз ёки ҳукуматгами?

Сизга УХХ фақат яхшилик қилганидан хабарим бор. Масалан, Отаназар акадан 2500 доллар олганингизни ҳамма билади. Аммо УХХ га (ЭРКка), унинг аъзолари Фаҳриддин билан Нуриддинга тош отишингизнинг тағида шу пулни, 2500 долларни қайтиб беришни истаганингиз ётганлигини ҳамма ҳам билмайди. Аммо мен бир бетараф журналист сифатида буни ўргандим. Беришни истамсангиз, «бор-е, бермайман!» деб туриб олсангиз бўлардику. Ёки «имкони йўқ» десангиз ҳам бўларди.

Нега энди Фаҳриддин билдан Нуриддинни одам сотганликда айбдор қилаяпсиз? Сохта гувоҳлар ёллабсиз, уларга ҳам ўша 2.500 доллардан сизларга бераман деб сўз бердингизми? Ёзишга ҳам жуда «уста» экансиз. Хабарларингиздан бирини зўрга тушиниб олдим. Сиз ўзингизга яхшилик қилган инсонларга онқўрлик қилмасдан, улардан кечирим сўраб,

Бироқ “бўлмайд қолган президент” жавоб беришни ҳам истамасиз.

Аммо Тошкентда у кишининг шарофати ила яна нималар бўлаяпти экан? УХХ фаоли Фаҳриддин Тиллаевнинг бизга билдиришича, машаа ҳали тугаганича йўқ ва ўзини “режим муҳолифи” деб билган бу шахс бошқа муҳолифларга бўҳтон тошларини отишни, фитна қилишни тўхтатгани ҳам йўқ.

“3 декабрь кунида уйимда тинтув ўтказишди, видотасвирга ҳам туширишди. Қўшнилари ҳам таклиф қилиб “далолатнома” тузишди, ҳаттоки уйдаги телевизорни ҳам олиб кетишди”, деб хабар берди Фаҳриддин Тиллаев.

Унинг сўзларига кўра, тошкентлик “ҳуқуқ посбонлари” Нуриддин Жуманиёзовни ижарада турган уйда ҳам тинтув ўтказилинган, унинг компютери, принтерини олиб кетишган.

Боз устига Нуриддин Жуманиёзов ўша ижарада яшаб турган уйдан ҳам қувиб юборилибди. Ҳозирда у одам кўчама-кўча юриб яшашга жой бошқа изламоқда экан.

“Абдулло Тожибой ўғли ҳукуматга қўшилиб фитна уюштирамоқда, нима эмиш, Нуриддин ака билан мен Қозоғистонга бориб одам савдоси билан шуғулланган эмишимиз”, — деб ёзди Фаҳриддин Тиллаев.

“Бўлмайд қолган президентининг” бу ҳатти-ҳаракатлари албатта ўша зорманда 2500 доллар дардида бўлсада, ҳар неки фаолимиз бошқача гумонни ҳам илгари суради — “Абдулло “Эрк” дан ҳайдалганидан кейин аламини кимдан олишни билмай шу ишни қилмоқда”.

Фаҳриддин Тиллаевнинг берган маълумотидан билганимизга кўра, Нуриддин Жуманиёзов билан унинг ўзи эндиликда Ўзбекистондан

ташқарига чиқа олишмайди. Ҳукумат шундай қарор қабул қилибди.

“Бизлар бир уйдирма жиноят билан икки марта судланмоқдамиз. Етти миллион ундириб олиш тўғрисида ўтган йили Ҳамза тумани суди қарор қабул қилганди.

Ҳукуматимиз ўша қарорни дастак қилиб олган”, — дея хабар қилди бизга Фаҳриддин Тиллаев.

Бир процессуал ҳаракат билан икки марта судланган УХХ фаоллари ҳозирги кунда на яшаш жойлари бор ва иш жойлари. Табиийки, “даромадлари” ҳам шунга яраша.

Биринчи бор улар 2012 йил 23 ноябрда 26107/27 сонли иш билан жавобгар қилинишган бўлишса, иккинчи бор худди шу “жिनоят” билан 2013 йил 29 ноябрь кунида суд залига келтирилишган.

Ҳеч нарсаи йўқ одам суд учун ҳам “ташвиш экан”.

На уй-жойи ва на мол-мулки бўлмаган муҳолифатчилардан бирор нарса ундириб бўлмаяптими, демек бу қарорнинг ижроси ҳаракатдан ҳам тўхтатилиниши лозим эди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ПК ва МЖТКсининг тегишли моддаларига кўра, “Суднинг қарори юзасидан маъмурий жаримани ундиришда, агар қарор ижроси ўз вақтида ундирилмай қолиб кетса ва қарздор томонлар қарзини тўлашга имкониятлари бўлмаса, унда унинг мол мулки мусодара қилинади.

Агар бунга ҳам, имконияти етмаса, унда, қарздордан қарзини давлат фойдасига ундириб бериш қатъян маън этилади” — деб кўрсатилган.

Ҳозирги кунда Фаҳриддин Тиллаев ва Нуриддин Жуманиёзовга қарши яна бир фронт очилган ва бу фронтда Ўзбекистоннинг ўша “бўлмайд қолмай президенти” Абдулла Тожибой ўғли қўмондонлик қилмоқда.

Русларда ажойиб бир нақл бор. “Ташаббус унинг ижроси билан жазоланади” дейилади унда.

Мардикорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмасини тузишга уринганлар энди айнан ўша мардикорларни хорижга сотганликда айбланишмоқда.

Ҳа, Ватанимизнинг “бўлмайд қолган президенти” жуда “жиддий” чиқиб қолди. Ҳам пулни ол, ҳам қайтариб берма, тагин кимларнидир жавобгар қил! Ундан тўққизини уриб, бирига ҳам қилиб тур!

Ҳа демай, Абдулло Тожибой ўғли жонажон ҳукуматимизнинг “азиз инсонига” ҳам айланиб қолса ажаб эмас.

Агар аллақачон айланиб улгурмаган бўлса...

Тўлқин Қораев



Хонободдаги героин можароси ҳақида хабар топганимизда Афғонистоннинг босиб олиншидан кўзланган асосий мақсадлардан бири афғон наркотикларини етиштириш, тайёрлаш ва Ғарб мамлакатларига етказишни қайтадан тиклаш эканлигига шубҳамиз қолмади.

Ахир, наркотикларни етиштириш ва тайёрлаганлик учун ўлим жазосини жорий қилган толиблар ҳукмронлиги даврида жаҳон наркомафияси жуда катта талофатлар кўрганди.

НАТО аскарлари Афғонистонга босиб киргандан кейин эса ушбу мамлакатда наркотикларни етиштириш ва тайёрлаш ишлари яна “гуллаб-яшнаш” бошлади. БМТ маълумотларига кўра, Америка босқини даврида Афғонистонда наркотик етиштириш ва тайёрлаш ҳажмлари Толибон ҳукмронлиги даврига қараганда 750 (!) маротаба ошган.

Бизда: “Афғонистондаги НАТО кўшинлари фақат кўкнори экилган плантацияларни кўриқлашади”, — деган гумон бор.

Гуруҳимизнинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишига қайтадиган бўлсак, эслатиб ўтамиз: биз фақат Ўзбекистон Халқ Ҳаракати билан ҳамкорлик қиламиз, мақолаларимизни ушбу Ҳаракат сайтида эълон қиламиз.

Шуни ҳам кўшимча қилишимиз керак-ки, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати билан ҳамкорлик қилишда гуруҳимиз фақат бу борада эмас, балки Ҳаракат раҳбариятини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бўлмайдиган ва стратегик муҳим маълумотлар билан таъминлаш борасида ҳам иш олиб бормоқда.

Савол: — Нега мақолаларингизни фақат Ўзбекистон халқ Ҳаракати сайтида эълон қиласиз?

Ахир, уларни бошқа, яъни бу сайтга қараганда кўпроқ ўқувчига эга саҳифаларда эълон қилса ҳам бўлади-ку...

Жавоб: — Гуруҳимиз учун сайтнинг ўқувчилари сони эмас, сайт эгаларининг ҳалоллиги муҳимдир. Бундан ташқари, биз Ўзбекистон халқ Ҳаракати етакчиси Муҳаммад Солиҳ билан муштарак кадрятлар ва мақсадларга эгамиз.

Шу сабабдан Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайти республикада тўсиб қўйилганига қарамасдан биз ўз мақолаларимизни айнан шу сайтда эълон қиляпмиз.

Бошқа тарафдан олиб қараганда, агар мақола муҳим ахборотни ўз ичига олган бўлса, ўқувчи бундай мақолани ернинг остидан бўлса ҳам, излаб топади.

Масалан, ўзингиз бир қаранг: UzXalqHarakati.com сайтида эълон қилинган охириги мақолаларимиздан бири бир ҳафта ичида деярли 50 минг марта ўқилди. Ўзбекистондаги сиёсий ҳаётга бағишланган ва республикада тўсиб қўйилмаган бошқа сайтлардан шундай мақолаларни кўрсата оласизми?!

Савол: — “Саримой фожеасининг

га ишончингиз қилими?”

Жавоб: — Биринчидан, мақолаларимизда биз фақат ишончимиз қилган нарсаларни ёзамиз. Иккинчидан, ўтган давр мобайнида Каримов режими ҳукуматга келишнинг барча қонуний, тинч ва сиёсий йўлларини йўқ қилди.

Бу ҳаммага маълум. Ва юзага келган ушбу вазиятда, сизнингча, Каримов диктатурасини қандай ағдариш мумкин?

Наҳотки сиз ҳам: “Фақат куч ва қуролни хурмат қиладиган Каримовни оқ шарф ва рўмоллар тақиб, оқ футболкалар кийиб ёки ўзбек оши-ни дамлаб, катта зиёфат ўтказиб ҳам ағдарса бўлади”, — деган сафсатага ишонсангиз? Соддалик қилманг!

Яна такрорлаб айтамыз: Каримов

У. ҲАҚНАЗАРОВ: ХОРИЖИЙ РАДИОСТАНЦИЯ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

ҳақиқати” сарлавҳали мақолангиз менга каттиқ таъсир қилди. Бу ҳужжатларни Сиз қаердан олдингиз?

Наҳотки мужоҳидлар устидан ўтказилган маҳкама жараёни очик бўлган бўлса?

Ва бу борада яна бир кичик фикр: менимча, ушбу мақолада сиз ёш мужоҳидларни қаҳрамонлар сифатида тасвирлагансиз...

Жавоб: — Мазкур мақолани тайёрлашда биз мужоҳидларни қаҳрамонлаштиришга ҳаракат қилмадик. Ушбу фожеа ва мужоҳидларни биз муболағаларсиз, борира акс этгирдик. Холис ёзилган ушбу мақоладаги мужоҳидлар Сизга қаҳрамонлар бўлиб кўринган бўлса, демек, улар ҳақиқатдан ҳам қаҳрамонлардир.

Мужоҳидлар устидан ўтказилган маҳкама жараёни ва ҳужжатларга келсак, маҳкама жараёни кутилмаганда очик ўтди. Чунки Ўзбекистон ҳукумати ҳалок бўлган йўловчиларнинг қариндошлари ҳам маҳкама мажлисларида иштирок қилишини истаганди.

Бундан ташқари, МХХда ана шу мажлислар ва мужоҳидларнинг терговини акс этган аудиоёзувлар бор. “Саримой фожеасининг ҳақиқати” мақоласида биз асосан шу материаллардан фойдаландик.

Савол: — “Саримой фожеасининг ҳақиқати” сарлавҳали мақолангизда Сиз: “Каримов режими тинч ва сиёсий йўллар билан ағдариб бўлмади”, — дегандингиз.

Ушбу режимни фақат ҳарбий йўллар билан ағдариш мумкинлиги-

диктатурасини ҳарбий ҳаракатларсиз ағдаришнинг иложи йўқ.

Савол: — Ўзбекистондаги ҳозирги воқеаларда Сиз кимнинг тарафидасиз?

Жавоб: — Биз фақат мазлум ўзбек халқи тарафидамиз. Каримов зулмига қарши ахборот кураши олиб бораётган гуруҳ сифатида эса ушбу диктатурага қарши чин дилдан ва, энг асосийси, амалда курашаётган ҳар қандай кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Чунки Ўзбекистонда режимга амалда қаршилик кўрсатаётганлардан кўра фикран қарши бўлган кишилар кўпчилигини ўзингиз ҳам билсангиз керак.

Савол: — Яқин келажакдаги режаларингиз қандай?

Жавоб: — Яқин келажакда Каримов режимининг жиноятларини қош қилиш бўйича олиб бораётган иш-мишни давом эттирмақчимиз.

Савол: — Сизнинг шахсингизни қандай аниқласа бўлади?

Жавоб: — Ҳозирча бизнинг шахсимизни аниқлашнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Ўзбекистонда Каримов диктатураси ағдарилиб, ҳукумат тепасига ҳақиқий ватанпарварлар чиқиб, яхши замонлар келса, балки, биз кимлигимизни ўзбек халқига билдирармиз.

Аслида эса бизнинг кимлигимиз эмас, нима қиладиганимиз муҳимроқ, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таҳликали ишни биз ғараз ниятлар ва алдамчи шон-шуҳрат учун қиладиганимиз йўқ.

**Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сийёсатшунос**



2013 йил 3 декабрь куни uznews.net сайтида “В Узбекистане набирает обороты война компроматов” (“Ўзбекистонда компроматлар уруши бошланмоқда”) мақоласи эълон қилинди. Унда Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова ўз твитларида “Asia Alliance Bank” очик турдаги акциядорлик тижорат банки таъсисчиларидан бири Юрий Савинковни тилга олиб ўтгани ҳақида хабар берилган.

Uznews.net саҳифаси Гулнора Каримованинг: “МХХ полковниги Юрий Савинков жиноий пулларни ювиш билан шуғулланади”, — деган гапини келтирган.

Эслатиб ўтамиз, Юрий Савинков ва унинг жиноий бизнеси ҳақида илк бор биз хабар берганмиз.

Роппа роса бир йил олдин, 2012 йил 11 декабрьда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) сайтида эълон қилинган “Ўзбек махсус хизматлари Мазори-Шарифда ҳарбий тўнтариш режаламоқда” сарлавҳали мақоламизда хабар берганмиз. Мана ўша мақоладан олинган ва Ю. Савинковга бағишланган сатрлар:

“Шунингдек, Мазори-Шарифда генерал Дўстумнинг ҳокимиятга келтиришдан, бир неча йилдан бери советлар давридан қолиб кетган американ стингерларини ундан сотиб олиб, Пентогонга бераётган МХХ

генерали Шухрат Ғуломов ҳам манфаатдордир. (Пентогонга бу ракеталарнинг Ал-Қоида каби гуруҳлар қўлига тушмаслиги муҳим). Фақат бу сотиб олинган стингерларни Ш. Ғуломовнинг ҳарбий-тижорий гуруҳи бир йўл билан Пентогонга сотса, бошқа йўллар билан “Толибон”, Афғонистон ва Покистонда жойлашган ЎИХ ва Иордания орқали Фаластин армиясига ҳам сотади. Бундай тижоратдан келган тушумни Шухрат Ғуломов бошқарадиган ҳарбий тижорий компания ҳисобига, бу ишлар бўйича вакил ва масъул бўлган Ўзбекистон Махсус хизматининг Дубайдаги собиқ офицери Ю.Савинков ўтказиб туради.

Агар Мазори-Шарифдаги ҳокимият Абдурашид Дўстум қўлига ўтадиган бўлса, Ш. Ғуломовнинг биз айтаётган тижоратининг келажаги порлоқ бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг иккинчи жосуси “Мозор” махфий амалиётига шахсан

этган маълумотларимизга ҳужжат ва далил талаб қилган ўқувчилар худди шу можаро ҳақида бир йилдан кейин хабар бераётган Гулнора Каримовадан ҳеч қандай ҳужжат ва далил талаб қилмаяптилар.

Мана сизга ўқувчилар, сиёсатшунослар ва журналистларнинг аҳволи! Ёки бошқа мисол. 2013 йил 12 ноябрь куни ЎХХ сайтида эълон қилинган “Ўзбекистон сиёсий “ошхонаси”даги ҳозирги алғовдалғовларнинг асл сабаблари ҳақида” сарлавҳали мақоламизда биз: “Ўзбекистон ҳукумати томонидан Гулнора Каримованинг бизнес-тузилмаларига қарши бошланган ҳозирги ҳужумнинг порахўрликка ва пулларни ювишга қарши курашга алоқаси йўқ” мазмунидаги фикрни илгари сурдик.

Декабрь ойида “Transparency International” ташкилоти ўз изланишларига таянган ҳолда худди шундай баёнот берди.

У. ҲАҚНАЗАРОВ: Г.КАРИМОВА ТЕРГОВГА КЎРСАТМАЛАР БЕРА БОШЛАДИ

катта эътибор бермоқда ва бу йўлда жонбозлик кўрсатмоқда”. Иқтибос тугади.

Хуллас, Ю. Савинков ҳақида номаълум Усмон Ҳақназаров ёзса, одамлар унинг ёзганларига ишонишмайди ва эътибор ҳам беришмайди.

Лекин худди шу одам ва шу муаммо ҳақида бир йилдан кейин Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи хабар берса, кўпчилик ўқувчилар, сиёсатшунослар ва журналистлар бу хабарга ишониб, уни қайта босиб, тарқатишга тушишади. Кулгили ҳолат.

Бошқача айтганда, ўтган йилги мақоаларимизга ишонмай, тақдим

Ва нуфузли оммавий ахборот воситаларининг деярли барчаси ушбу баёнотни илк марта айтилаётган бир оламшумул янгилик сифатида қайта эълон қилиб, тарқата бошладилар. Кулгили ҳолат.

Хонимлар ва жаноблар, шуни билинг-ки, ҳақиқатни ким – машҳур Гулнора Каримова ёки номаълум Усмон Ҳақназаров – айтаётганидан қатъий назар, ҳақиқат ўз қиёфасини ўзгартирмайди.

У ҳақиқат бўлганлиги учун ҳақиқатдир.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сийёсатшунос

5 декабр соат 22.30 атрофларида Петербург шахрининг «Садовая» кўчасида ўзбекистонлик ёшлар ўзларини анчадан буён кузатиб юрган Умид исмли МХХ хо-

ва қаерда яшашларигача бутун маълумотни олиб, кўздан ғойиб бўлганлар. Ўз ҳамюртларидан калтак еган бу МХХ ходимини дарахтдан маҳаллий руслар ечиб олишган.

«Биз бу ифлослардан бездик!» дея хайқирмоқда Питерда ишловчи ўзбек мухожирлари.

Улар бу “кулоқлар”нинг яшаш жойларини яширган ишчиларга ҳам адолатли жазо кўрилишини айтмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати мамлакат ташқарисида юрган ўзбекистонликларни кузатиш учун минглаб айғокчиларини жўнатишда давом этмоқда.

Мамлакат ичкарисидаги тазйиқ-таъқиб сиёсати юрт ташқарисида ҳам давом этмоқда.

ЎХХнинг Россиядаги муҳбири

ПИТЕРДАГИ ЎЗБЕКЛАР МХХНИНГ «КУЛОҚЛАРИ» ГА УРУШ ЭЪЛОН ҚИЛИШДИ

димни ушлаб олиб, ўласи қилиб дўппослаганлар.

Сўнгра кўча чеккасидаги бир дарахтга боғлаб, ундан бошқа “кулоқлар”нинг исм-фамилияси

Санкт-Петербургда ишлаётган ёшлар бундай «кулоқлар»га қарши кураш бошлагани ва бу ишни фаол давом эттиражакларини айтмоқдалар.



Ҳобил қалбида Аллоҳнинг ёзган тақдирига рози эди, унинг амрига бўйсунушга тайёр эди (283). Чунки у тоза юракли эди (284).

Қобил эса ичида: “Менинг қурбонлигим қабул бўлса бўлар, бўлмаса-бўлмас: Ҳобил менинг синглимга ҳеч қачон уйлана олмайди”, дерди (285).

Шу пайт осмондан бир олов тушиб, Ҳобилнинг қурбонлигини ёндирди (286). Унинг қурбонлиги қабул бўлди (287).

Қобилнинг қурбонлиги эса узоқлаштирилди (288), қабул бўлмади (289). Чунки у тоза қалбли эмасди (290).

Улар тоғдан тушиб, тарқалдилар. Қобил қурбонлигининг рад этилишига ғазабланиди, ичидаги ҳасади қабарди (291). Ҳобил кўйларнинг олдига кетганди Қобил унга етишиб (292):

-Мен сени муҳаққак ўлдираман, -деди.

-Мени нечун ўлдирмоқчисан? -деб сўради Ҳобил: (293).

-Чунки Аллоҳ сенинг қурбонлигингни қабул этиб, меникини қабул этмади. Демак, менинг гўзал синглимга сен уйланасан. Ва ҳамма сенинг мендан хайрли ва устун бўлганингни айтажаклар-а? (294). Кейин сенинг болаларинг меникига қарши мақтанажаклар-а? Халқ менинг қурбонлигим қабул қилинмай, сеники қабул қилинганини ўрганажак-а? Йўқ! Халқ на мени кўражак, на-да сенинг мендан хайрли эканингни кўражак (296). Мен сени муҳаққак ўлдираман! -деди Қобил.

-Менинг гуноҳим недир? Аллоҳ фақат Ундан кўрққанларнинг қурбонлигини қабул этади, -деди Ҳобил (297).

Ҳобил тоғдан тушиб, Қобилнинг

кўлидан кутилган бўлса ҳам (298), Қобил уни ўлдирмак учун пайт пайлашга давом этди.

Ҳобил бир кун қўй сурувини ўтлатиб (299), тоғ бошида уйқуга кетганда, Қобил ёнига келди ва бир тош билан унинг бошига урди ва Ҳобилни ўлдирди (300).

Бу воқеа кечга яқин бўлганди.

Эртаси куни Қобил, нима қилаётган экан, деб Ҳобилнинг ёнига кетди (301).

Ҳобил ерюзиди Одам ўғилларидан илк ўлган инсон бўлгани учун Қобил ўликни нима қилишни билмасди (303).

Қурбонлик ҳодисаси Қуръони Каримда Шундай тасвирланади: “Уларга Одамнинг иккита ўғли ҳақидаги хабарни ўқи. Улар Аллоҳга қурбонлик тақдим этишганда биттасиники қабул бўлиб, иккинчисиники рад қилинганди. У (укасига) “Қасам-ки,

сени ўлдираман”, -деганди. Наригиси: “Аллоҳ ундан кўрққаннинг қурбонини қабул этар, сен мени ўлдирмак учун кўл узатсанг, сени ўлдирмак учун мен кўл узатмасман, чунки оламларнинг Роббиси бўлган Аллоҳдан кўрқаман. Шубҳам йўқки, сен ўз гуноҳинг билан меникини ҳам олиб у оташга ёрон бўлажаксан, золимларнинг жазоси будир”.

(Қобилнинг) нафси (қотилликни) укасини ўлдиришни осон кўрсатди ва у ҳам уни ўлдирди ва зиён кўрувчилардан бўлиб қолди. Кейин Аллоҳ қарға юборди, ки Қобил қарғани кўриб, укасининг ўлигини кўмишни ўргансин. Қобил “бахтим қора менинг, укамнинг жасадини кўмиш учун шу қарға қаби ҳам бўлаолмадим!” -деди. Энди у қилган ишига пушаймон бўлганлар қаторига қирганди (304).

Одам алайҳиссаломнинг Қобилни қувиши

Одам алайҳиссалом Қобилга:

-Кет бу ердан! Энди сен учун кўрган ҳар кимса таҳлика бўлажак, -деди.

Қобил ўзи билан туғилган қизнинг кўлидан ушлаб, Навз тоғларидан пастга тушди (305). Ва Яман устидан Аданга кетдилар (307).

Қобилнинг оқибати

Қобилнинг ўғилларидан Қобилни учратиб унга тош отмагани қолмади. Қобилнинг кўзи кўр бўлиб туғилган битта ўғли бор эди. Ўша ўғли ўз

ўғли билан отаси Қобилнинг ёнига келди. Бола кўр отасига “мана, отанг Қобил” деди. Кўр ердан бир тош олиб, Қобилга отди, Қобил ўлди. Қўрнинг ўғли:

-Дада, сен отангни ўлдириб кўйдинг, -деди.

Кўр бунга жавобан ўғлига ҳам бир шапалок урди, ўғли ҳам ўлди.

Буни англаб, кўр: “Бахтим қора менинг, отган тошим билан дадамни, шapatим билан ўғлимни ўлдирдим”, дея пушаймон бўлди (308).

Одам алайҳиссаломнинг илк набий(пайғамбар)лиги

Илк пайғамбар Одам алайҳиссаломдир (309).

Асҳоби киромдан Абу Заррул Ғиффорий шундай деган (310): “Набий алайҳиссаломдан (311), ё Расулиллоҳ, (312)! набиларнинг ав-

вали, биринчиси қайсисидир?”, -деб сўрадим. “Одамдир,” -дедилар.

“У набийми? -деб сўрадим.

“Ҳа, мукаллам (Аллоҳ (жж) билан гаплашган) набий эди,” (313) -дедилар.

Одам алайҳиссалом фарзандларига пайғамбар ўлароқ жўнатилди ва унга 21 саҳифа индирилди (*).

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга ёзишни ўргатгани учун, Одам алайҳиссалом туширилган саҳифаларни ўз кўли билан ёзди (314).

Аллоҳу Таолонинг Одам алайҳиссаломга индирган ҳукмлари орасида ўлган хайвоннинг гўшти, қон ва чўчқа ҳаром қилинган эди (315).

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Меърож кечасида самонинг биринчи қаватига чиққанларида Одам алайҳиссалом саломлашгани

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Меърож кечасида дунё самосига чиққанларида, у ерда бир одамга дуч келишди. У ўнг тарафига қараб қулар, чап тарафига қараб йиғламоқда эди.

Жаброил алайҳиссалом пайғамбаримизга:

-Унга салом бер, -деди. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам салом берди. У ердан ҳам Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалламга Шундай муқобала қилди (317):

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

-Хуш келдинг, сафо келдинг, эй солих пайғамбар, эй солих ўғлим! -деди у.

Пайғамбаримиз Жаброил алайҳиссаломдан: “Ким -бу?”, -деб сўради (318).

-Бу отанг Одам (алайҳиссалом) дир, -деди (319).

Унинг соғ ва сўлида оқаётган қорамтир оқим эса -унинг зурриётларидир. Соғ тарафидан ўтаётганлар жаннатийларнинг, сўл тарафидан ўтаётганлар эса жаҳаннамийларнинг рухларидир. Шу боис, соғ тарафга боқиб кулса, сўл тарафга боқиб йиғламоқдадир, -деди (320).

Одам алайҳиссаломга қиёматга қадар унинг зурриётидан келажак инсонлар ва улардан чиқажак Пайғамбарлардан хабар берилиши ва Пайғамбарлардан аҳду мийсоқ олиниши

Одам алайҳиссалом яратилиб (321), самода яшагани (322), жаннатдан ер юзига индирилгани (323), Маккада Арафот орқасидаги Наъмон мавқеида бўлган пайтда (324) Аллоҳу Таоло унинг елкасини силади ва Одамнинг елкасидан қиёматга қадар яратилиши керак бўлган инсон зоти тўкилди.

Аллоҳу Таоло уларнинг икки кўзи орасида бир нур яратиб, Одам алайҳиссаломга кўрсатди.

-Ё Роббим, ким булар? -деб сўради Одам алайҳиссалом.

-Булар -сенинг зурриётинг, -деди Аллоҳу Таоло.

-Ё Роббим, шу кўзлари орасидаги нур билан бошқалардан устун кўринаётганлар ким, -деб сўради Одам алайҳиссалом.

-Эй Одам, улар сенинг зурриётингдан келажак пайғамбарлардир, -деди Аллоҳу Таоло (326).

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломнинг белидан бутун зурриётини чиқариб, уларга ақл берди ва уларга хитоб қилди; иймонликни уларга амр этиб, иймонсизликдан наҳий қилди (327). Улардан аҳд ва мийсоқ олди, уларга шохидлик тутиб, қиёмат куни “биз буни билмасдик, демаслигингиз учун етти қат кўкни ва отангиз Одамни шохид тутдим. Шуни яхши билингизки, мендан бошқа Робб йўқдир. Менга ҳеч кимни шерик қилманлар. Бу аҳди мийсоқни сизга эслатиб туриш учун пайғамбарларимни юбораман ва китобларимни индираман, -деди Аллоҳу Таоло (328).

-Мен сизнинг Роббингиз эмасманми?, -деб сўради Аллоҳу Таоло.

-Ҳа, сен -бизнинг Роббимизсан

(329). Сенинг Роббимиз ва илоҳимиз эканлигига, сендан бошқа Робб йўқлигига шохид бўлдик, -дейишди (330).

Бу ходиса Қуръони Каримда Шундай ифодаланди:

“Роббинг Одам ўғилларининг белидан зурриётларини чиқариб, уларни ўз нафсларига шохид қилиб:

-Мен сизнинг Роббингизман, Шундайми? – деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида улар: “Ҳа, сен Роббимизсан, шохид бўлдик”, -дейишганди.

Бу -қиёмат куни “бундан хабаримиз йўқ эди” демаслигингиз учун эди.

Ёки “авваллари оталаримиз ширк қўшганда, биз улардан кейин дунёга келган наслмиз, энди ўша ботилни қурганларнинг гуноҳи сабабли бизни ҳам ҳалок қилмоқчимизан”, демаслигингиз учун (331).

Аллоҳу Таоло, шунингдек, бутун

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

пайғамбарлардан рисолат ва набувват мийсоқи олди (332). Бу хусусда Қуръони Каримда шу -оятлар мавжуд:

“Аллоҳ пайғамбарларига, онт бўлсинким, сизга китоб ва ҳикмат бердим. Яна сизга наздингиздаги у китоб ва ҳикматни тасдиқловчи бир пайғамбар келажакдир.

Унга мутлақо иймон келтириб, унга ёрдам этинг, дея аҳду мийсоқ олинганида, (сизлар) иқрор этиб, бу оғир масъулиятни бўйнингизга олмадингизми? Улар:

-Иқрор этдик, -дедилар. (Аллоҳ): Ундай бўлса, (бир-бирингизга ва умматларингизга) шохид бўлинглар. Мен ҳам сиз билан (бу иқрорингизга) шохидлик этганларданман”, -деди Аллоҳу Таоло (333).

Қози Илғозга кўра, Аллоҳу Таоло бу мийсоқни ваҳий воситасида олган. Аллоҳу Таоло юборган бутун пайғамбарларга Муҳаммад алайҳиссаломнинг васфларини аңглатган ва унга эришган онда унга иймон келтиришни тайинлаб, улардан аҳду мийсоқ олган.

Айтилишича, Аллоҳу Таоло бу ваъдани пайғамбарлар ўзидан кейин келажак қавмларга ҳам етказиш ҳақида сўз беришган (334).

Ҳазрати Алининг айтишича: “Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссалом ва ундан кейин келган ҳар пайғамбарга “агар Муҳаммад алайҳиссаломни кўрсалар, унга иймон этишлари ва динига ёрдам беришларини, бу хусусда ўз умматларидан ҳам сўз олишни тайинлаган ва улардан сўз олган (335).

Одам алайҳиссаломга пайғамбарлар суратларининг индирилши

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломнинг истаги билан унинг зурриётидан келган пайғамбарларнинг суратларини (336) Жаннат ипакларига (337) ўйдириб (338), Одам алайҳиссаломга индирди (339). Бу расмлар Одам алайҳиссаломнинг қуёш ботган жойдаги маҳзанида сақланарди (340). Зулқарнайн алайҳиссалом бу расмларни маҳзандан чиқариб (341) Дониёл алайҳиссаломга берган (342), Дониёл алайҳиссалом эса (343) расмларни ипакка кўчириб (344) чизганди (345).

Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломга қадар бўлган пайғамбарлар силсиласининг бир қисми бўлган бу расмлар (346)

киролдан киролга ўтиб, Қайсар Хераклусяга етиб келган (347). У бу расмларни Ҳазрати Абу Бакрнинг Истанбулга юборган элчиларига сандиғидан олиб кўрсатган. Ислом элчилари бу расмлар орасида Пайғамбаримизнинг расмини кўриб, йиғлаган эдилар (348).

Одам алайҳиссаломнинг тириклигида кўрган ўғил ва набиралари

Одам алайҳиссалом Навз тоғида ўғил ва уларнинг ўғиллари 40 мингга етгунча яшади (349). У ўлим тўшагига ётганда, ўғилларига:

-Ўғилларим, мен Жаннат меваларидан ейишни орзу этмакдаман, -деди.

Ўғиллари бу мевани топиш учун йўлга тушдилар. Йўлда Малоикаларга дуч келишди.

Малоикаларнинг ёнида Одам алайҳиссалом учун кафан ва ҳушбўй ҳидли суюқлик, белкурак ва замбил бор эди. Малаклар:

-Эй Одам ўғиллари, қаерга боряпсизлар? -деб сўрашди.

-Отамиз хаста, жаннат меваларидан емоқчи. Бизни тегиб келишга юборди, -деди Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари.

-Ортингизга қайтинг. Отангизнинг ажали келди, -деди Малаклар. Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари Малаклар билан орқасига қайтишди.

Малаклар Одам алайҳиссаломнинг ёнига кирганда, Ҳазрати Ҳавво кўрқди ва Одам алайҳиссаломга ёпишди. Одам алайҳиссалом унга:

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

-Сен Роббимнинг Малаклари ва менинг орамдан чиқ четга, -деди.

Шундай қилиб, Малаклар Одам алайҳиссаломнинг руҳини қабз этдилар. Кейин уни ювишди, кафанлашди, хушбўй сувдан сепдилар.

Қабрини қазиди. Малакларнинг биттаси олдинги сафда турди, қолган Малаклар ундан кейин, Малаклардан кейин эса Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари саф тортиб, жаноза намози қилдилар.

Малаклар қабр ичига кириб Одам алайҳиссаломни қабрга қўйдилар. Устини карпич (ғишт) билан ёпишди.

Қабр устига тупроқ тортгандан сўнг “Эй Одам ўғиллари, ўликларингизни кўмганда шу кўрсатилган йўлни тутингиз”, дейишди (350).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

Одам алайҳиссаломнинг вафот куни, ёши ва қабри

Одам алайҳиссалом вафот этган кун жумъа куни эди (351). Умри минг йил эди (352). Унга салом бўлсин! Одам алайҳиссаломнинг қабри ҳақида мутааддид ва муҳталиф ривоятлар бор, буларга кўра:

1. Одам алайҳиссалом жасади Ҳиндистоннинг Навз тоғидаги моғорада (353).

2. Одам алайҳиссалом жасади Макка тоғларидан Абу Кубайс тоғидаги Канз моғорасида.

3. Одам алайҳиссалом вафотидан бир йил сўнгра ўлган Ҳазрати Ҳавво Канз моғорасига кўмилганди (354).

4. Сом билан Нух, Одам алайҳиссаломнинг жасадини Маккадаги Ҳайф масжидининг ёнига кўмган (355).

5. Нух алайҳиссалом Одам алайҳиссалом ва Ҳазрати Ҳавво жасадларини тўфон пайтида Канз моғорасидан олиб тобут ичида кемасида олиб юрган, тўфондан кейин яна ўша жойига кўмган (356).

Нух алайҳиссалом Одам алайҳиссалом жасадини кемадан тушганида Байтул макдисга (Қуддусга) кўмган (357).

Одам алайҳиссаломнинг шакли шамоили

Одам алайҳиссалом: Хурмо оғочи каби (358) узун бўйли (359) жингалак (360) ва қалин сочли (361) кизғиш танли, йирик кўзли, қалин болдири, бўйни узун (362), ясси яринли эди. Соқолсиз эди (363). Одам алайҳиссаломнинг сочлари

иккига айрилган, ўрилган эди (364). Яратилганлар ичида энг гўзали эди (365). Унинг гўзаллиги фақат Юсуф алайҳиссаломда тўпланган эди (366).

Зарурий баёнот

Одам алайҳиссаломнинг абулбашарлиги (инсон зотининг отаси эканлиги) Аллоҳу Таоло тарафидан турли суръа ва оятлардан инсонларга “Эй Одам ўғиллари!” -деб хитоб қилиниши билан исботланган (367). Яна “Эй инсонлар, сизни битта жондан яратиб, у жондан унинг хотинини яратган ва бу иккисидан эса жуда кўп эркак ва хотинларни яратган Роббингизга қарши келишдан эҳтиёт бўлингиз” (368). Ёки: “Эй Одам ўғиллари, Шайтон ота ва онангизга либосини ечиб, аврат жойларини уларга кўрсатиш оқибатида

Жаннатдан қандай қувдирган бўлса, сизга ҳам шундай фитна қилмасин тагин!” (369) каби оятларда Одам алайҳиссалом инсонларнинг отаси эканлиги собитдир. Шунингдек, сўнгги келтирганимиз оятда фақат Одам алайҳиссалом эмас, унинг завжаси Ҳазрати Ҳаввонинг уммул башарлиги (инсониятнинг онаси эканлиги) очиқча ифодаланмоқда. Шунга қарамай, баъзи илм одамлари, дин арбоблари Одам алайҳиссаломнинг абулбашар эканлиги ҳақида қатъий ва очиқ насс (ҳужжат) йўқлиги, ҳатто бу ҳақдаги Ҳадиси шарифнинг ҳам бу хусусдаги оятлар тафсири бўлаолмайди, дейишгача бормокдалар.

Ҳолбуки, бу ҳадиси шарифларда Қиёмат кунида Махшар халқининг Одам алайҳиссаломга “Эй Одам, сен абулбашарсан!” деб мурожаат қилажаги ҳақида айтилади (370). Ва Макканинг фатҳида ирод қилинган пайғамбаримиз саллаллаҳи алайҳи васалламнинг хутбасида ҳам “бутун инсонлар Одамдандир, Одам эса тупроқдандир, тупроқдан яратилмишир”, дейилган (371).

Муборак оғзидан ҳақ ва ҳақиқатдан бошқа гап чиқмаган (372), шахсий райъ ва ҳавасидан сўйламаган (373) Пайғамбаримиз саллаллаҳи алайҳи васалламнинг бу хусусдаги очиқ баёнларини писанд қилмасликка қандай жасорат топа оламиз? Жаноби Ҳақ ҳаммамизни авф этсин!

Баъзи зотларнинг инсоннинг маймундан тарқганини иддао этиб, Одам алайҳиссаломнинг абулбашарлигини инкор этганлар қаршисида хайратимиз янада кучлироқдир.

ИЗОҲЛАР:

1) Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет.

2) Саълабий. “Ароис”, 26-бет.

3) Табарий. “Тарих”, 1-жилд, 45-бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет; Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет; Абулфидо. “Ал бидоя ван-нихоя”, 1-жилд, 85-бет.

4) Саълабий. “Ароис” 26-бет.

5) Табарий. “Тарих”, 1-жилд, 45-бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет; Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет; Абулфидо. “Ал бидоя ван-нихоя”, 1-жилд, 85-бет.

6) Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет.

7) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Саълабий. “Ароис” 26-бет; Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет.

8) Табарий. “Тарих”, 1-жилд, 45-бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет; Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет; Абулфидо. “Ал бидоя ван-нихоя”, 1-жилд, 85-бет.

9) Саълабий. “Ароис”, 26-бет.

10) Табарий. “Тарих”, 1-жилд, 45-бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет; Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет; Абулфидо. “Ал бидоя ван-нихоя”, 1-жилд, 86-бет.

11) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Ибн Асир. “Комил”, 2-жилд, 342-бет.

12) Табарий. “Тарих”, 1-жилд, 45-бет; Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет.

13) Саълабий. “Ароис”, 26-бет.

14) Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Саълабий. “Ароис”, 26-бет.

15) Табарий. “Тарих”, 1-жилд, 45-бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Саълабий. “Ароис”, 26-бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет; Ибн Асир. “Комил”, 1-жилд, 27-бет; Абулфидо. “Ал бидоя ван-нихоя”, 1-жилд, 86-бет.

16) Саълабий. “Ароис”, 26-бет.

17) Табарий. “Тарих”, 1-жилд, 45-бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1-жилд, 30-бет; Саълабий. “Ароис”, 26-бет; Ибн Асоқир. “Тарих”, 2-жилд, 342-бет; Ибн Асир. “Ал-

Давоми келгуси сонда

Ўз тилида гаплаша олмаслик
изтиробини туяди:
Ўзга тилда бераман мен
ўз саломимни,
Ўзга тилда нонуштага
қилишар таклиф.
Бу шаҳарнинг кўчасида
қўр мисол мени
Ўзга тилнинг уч-тўрт
сўзи юрар етаклаб.
Ўша тилда кўрсатарлар
менга юлдузни,
Ўша тилда уйготурлар
мени саҳарда,
Ўз тилимни эмас,
Ўша уч-тўртта сўзни
Унутмоқдан кўрқаман
бу улкан шаҳарда.
Ватан бўлса - менинг тушим,
Ватан – тушимдир,
Ўз тилимда гапираман
фақат тушимда.
(1977)

Менинг ўзим аскар, ўзим урушман,
Муҳаббатнинг шундоқ
кўзи олдиди!
Айни шеърда севгилисига
туйғуларини ифода этмак учун эшик-
ни тимдалаб турган
Ит каби кўзларим билан
сўйлайман
дейди. Лайло ва Мажнун билан
Фарход ва Ширин афсоналарига
мурожат қилиб, бир сонет ёзади ва
ўзини “юзинчи” ёки “минггинчи
Мажнун” эканини сўйлайди. Бун-
га муқобил Лайли эса “севгининг
ўзидай мажхул” дир.
Лекин шоир “омбордан Фарход
тешасини” олиб, Ширин олдига тиз
чўқаркан “Муҳаббатга қуллик яша-
син” дея ҳайкиради. Шоир ишқ шеъ-
рларини Фарход тешаси билан - те-
мир қалам билан қояларга ёзмоқчи.
Бу йўлда ҳар нарсасини қурбон
қилган шоир:

Дафъатананим менинг,
кутилмаганим.
Тилимга ҳеч қачон
чиқмайди чипқон
Сен ҳақда гапирсам,
менинг мўжизам,
Сен учун яшасам - узоқ яшайман,
Менинг кераккинам,
менинг бежизам.
Масрур мажнунтолим,
мунгли тўронгил,
Ойдингинам менинг,
ярим қоронгим.
“Эртага ҳам тузалмасам гар” шеъ-
рида севган, аммо севгисини тан
олишдан уялган, мағрур бир одам
тасвирланади..
“Уларга айт, севгилим” шеърисида:
Айт уларга,
Тушунтир, севгилим,
Биз қандай севган эдик
бир- биримизни
қандай севган эдик

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

3. СЕВГИ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳнинг
қўлингиздаги китобга киритил-
ган шеърларда севги мавзусидаги
асарлар ҳам бор. Бу шеърларнинг
муҳотиби, албатта, муҳайёл бир
севгили эмас, Солиҳнинг рафиқаси
Ойдинхонимдир.

Шоир севгини ҳаётнинг маъно-
сини ва инсон зотининг борлик са-
баби сифатида кўради. “Бир одам
севса, бас” номли тўрт мисрадан
иборат шеърисида инсониятнинг яша-
мак ҳаққи фақат севмак қобилияти
билан шартланади. Ҳатто биттагина
одамнинг севишини (ошиқ бўлиши)
бутун башариятнинг оқланиши ва
яшашга ҳақ қозониши учун етар.

Бир одам кимнидир

севаркан токи,

Бир одам севса бас,

битта одамзод.

Бутун башарият яшашга ҳақли,

Ўзини оқлайди ердаги ҳаёт.

Солиҳ одамларнинг севги
муҳаббатни қандай қилиб бўлса-
да муҳафаза этишларини истади.
Унинг ўзи ҳам

Байрокни яширган янгичи мисо-
ли,

Орзуни ўмганга боғлаб олганлар-
дан биридир. Ҳаётга ҳоким бўлган
ҳаракатсизликка ва ўлим сассизлиги-
га қарамай, у:

Қорга кўмилди-ку ер аллақачон,

Мен-чи, ҳамон севаман сени!

дея билмакдадир.

Шоир “Тонг отмас” шеърисида
ўзини севгилисига қовушмоқ учун
уруш қилган бир аскар сифатида
кўради. Ҳатто уруш ҳам унинг ўзи
эканини ёзади:

Ул қояда бургутлар ўлсин,
Сатрларга бериб ўз кўксин,
Ўлсин севги алдаган қушилар.
дея хитоб қилади.

Шоир “Сўз излайман” шеърисида
севгилисини тасвирлашга қадар сўз
ахтаради. У севгилисига:

Жоним, жонгинам,
Севгилим, меҳрибоним, жигарим
Жигаргўшагинам.

Яна қайси сўзлар қолди, кўрсатинг
менга!

Ёлғзим, ягонам,

Қорачиққинам.

Сўзлари билан хитоб қилгандан
кейин:

Яна нималар бор бисотингизда?
деб сўрайди.

У биттагина чечак олиш учун бу-
тун тувақларни ағдар-тўнтар қилган
худбин чол каби севгилисига му-
носиб сўз ахтаради. Рафиқасининг
исми билан номланган “Ойдинга”
шеърисида ҳам турли сифатлар ёрдами-
да севгисини тилга келтиради. Буни
қиларкан, тазодлар пайдо қилган
маъно кескинлигидан ҳам фойдала-
нади:

Ориққинам менинг,

гўзал ниначим,

Урушқоним менинг,

жаҳилим менинг,

Товушқоним менинг,

тезкор гиначим

Камалак сингари ҳар

хилим менинг.

Сен менинг ойимсан,

менинг мўжизам,

Ой каби ҳеч қачон тутилмаганим,

Сен ёлғиз кучлимсан,

менинг ожизам,

гуллари узилган бўм-бўш оламда
мисраларда ҳар нарсани бузулган,
бутун гўзалликлари йўқолган бир ду-
нёда ҳам севиш мумкин эканлигини
ёзади.

Бу баҳсга доҳил этилган “Сен
кетгандан сўнг” ва “Сен кетган-
да” шеърларида севгилидан айри
яшамокнинг изтиробни тараннум эти-
лади.

4. ЁЛҒИЗЛИК ҲАҚИДА ШЕЪ- РЛАР

Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари-
да жуда кўп учрайдиган мавзулар-
дан бири ёлғизлик мавзусидир. Бу
ҳодисани шеърнинг 70-йилларда ва
80- йиллар бошида ёзган асарларида
кўп кўрадим.

Совет Иттифоқининг ҳам маф-
куравий ҳам иқтисодий жаҳада
ботқоққа ботган бу давр 1985 йилда
бошланган “қайта қуриш”ни туғиши
ва беш йил кейин совет империяси-
нинг йиқилишини таъминлаши ке-
рак эди.

Шоир бу даврнинг “қиличларнинг
уйқуси” ўлароқ баҳолайди. Шун-
га қарамай сензура тазйиқи давом
этмоқда эди.

Муҳаммад Солиҳ бу даврда иш-
сиз эди. Журналистик таълими олган
бўлса-да, бирор газетада иш топол-
майди.

Йўқчиллик сабабли оиласи бузи-
лади, хотини билан ажрашади. Аммо
шоир зехнини инсоннинг нимага ду-
нёга келгани муоммаси машғул эта-
ди.

Одамларга бу дунё жаннатини
арғумон этишга сўз берган атеизм
ваъда қилинган хузурни беролмади.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Аспартам кўпгина ўлкаларда аъқиқлангандир. Бу ўлкаларда кисирик, туғилишдаги кўсурлар, болалардаги зехний ва руҳий муаммолар бирданга озайгани кузатилмоқда.



Аммо Туркияда бу модда турли махсулотларда шитоб билан тарқалишда ва кўпайишда давом этмоқда.

Озиқ-овқат, ҳайвон емлари ва ёки даволаш мақсадида йилда 2 млн тонна ишлаб чиқарилган синтетик аминокислоталар ичида миқдори энг катта бўлгани фенилаланин ва глутамик аминокислотадир.

3. Бисфенол (Bisphenol-A)

Бисфенол-А диоксин гуруҳига оид энг кўп қўлланилган моддadir. Тайёр (пакетланган) егуликлар, пластмас шиша, детержан, косметик ва баданпарвариш махсулотларида сакловчи (кўриқловчи) ўларок қўлланилади. Бисфенол-А тиш па-стаси ва таом билан - оғиз орқали, парфюм ва детержанлар билан - на-фас орқали қонимизга кирмоқда.

Хашорат дорилари, памперслар, ва пластикларда ҳам қўлланилган бу моддалар аёллик гормони острогенга тақлидан ишлаб чиқарилгандир.

Вужудда Бисфенол-А бўлган хомилдор аёлда остроген даражаси юксак бўлгани учун, бачадон оғзи очилмайди ва оқибатда цезар амалиёти қилиниши керак бўлади. Айни пайтда аёл вужудда андроген даражаси ҳам юксалади. Эркакларда эса, аксинча, уларда Бисфенол-А андроген даражасининг пасайишига сабаб бўлади. Бу ҳолат эркакларнинг хотинлашувига, аёлларнинг эса эркак-лашувига, ҳар икки жинсда эндрометрозга сабаб бўлади. Оқибатда, хотинлар боласини туширади, эркаклар спермасида аномалия ва бепуштлиқ пайдо бўлади.

4. Фталатлар

Фталатлар пластмас махсулотларнинг эгилувчанлигини таъминлаш учун ишлатилади. Айни пайтда, лосьон, шампун, суюқ совун, детержан каби махсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Парфюм ва шампун идишларидан тиббий кувурларгача, пластик коплардан тиш чўткаларигача, ўйинчоқлардан косметика ва дориларгача - ҳар

соҳада қўлланилган фталатлар атроф муҳитга осонгина ёйилади.

Энг кўрқинчлиси, бу модданин-нинг чақалок ўйинчоқларида, эмизикларда, памперсларда қўлланилишидир. Бу болаларда ёшлигиданоқ саратон касалига ча-линиш хавфини туғдираётгани ис-ботлангандир. Бу модда хомилдор аёлларда хомиланин-нинг тестосте-рон ишлаб чиқаришига тўсқинлик қилади, ўғил болаларда маний оз-лигига, жинсий органларида ано-малияларга сабаб бўлади. Пенис-ларнинг нормадан кичик бўлишига, уретранин-нинг пениснинг орқа тарафи-га ўтишига, мойякларнинг ўз ўрни-да турмаслигига сабаб - фталатлардир.

Яна фталат маний генетикаси-нинг ўзгаришига, унинг сони ва ҳаракатчанлигининг озайишига, бе-пуштликка ҳам сабаб бўлмоқда. Фта-латлар кансероген (ракка мойил)дир. Айниқса, аёлларда кўкрак раки, эр-какларда простата ва мойяклар ракини орттирган бир моддadir.

Хулоса

Туғма бўлмаган кисирикдан осон ва қулай кутулиш бугунга қадар мумкин эди. Яъни вужудда тўпланган аспартам, фталат ва диоксинларни хожамаат ва зулук воситасида вужуддан ташқарига чиқариб ташлаш мумкин эди, аммо титаниум диок-сит бирикмалари бу ишни ниҳоятда қийинлаштирмоқда. Бизга кўра, G4 технологияси ҳаётга татбиқ этила бошлагандан сўнг эса, титаниумди-окситни баданимиздан чиқариб таш-лаш деярли имконсиз ҳолга келади.

Инсон насли таҳликада дер экан, буни бир муболаға бўлсин деб эмас, шу юқорида кўрсатилганларга суя-ниб айтмоқдамиз.

Ноябр, 2011 йил

ВВС радиосига ИНТЕРВЬЮ

Ойдин Солиҳ: Тасдиқловчи оят ва ҳадис тополмасам, кашфни қўлламадим

“Замонавий тиббиёт фалсафа-си пойдеворидан бошлаб хатога қурилган”, дейди Ойдин Солиҳ.

«Замонавий тиббиёт касаллик-ни эмас, симптомларини кетказиш-га ҳаракат қилади. Бу даво эмас, балки жонли организм имунитет-тига эълон қилинган шиддатли ва давомли урушдир... Бизнинг им-мун тизимимиз бу зарарли «тиббий экспериментлар» ҳужумига қарши омонсиз қаршилик кўрсатмоқда ва то чўкиб, хароб бўлгунга қадар тас-лим бўлмапти. Имунитет тизими чўкканидан кейин эса, касалликлар

киши бошига бирин-кетин ёға бош-лайди», дейилади «Ҳақиқий тибби-ёт» асари бошида.

Ойдин Солиҳнинг саволларга жавоблари

Абдурашид: Ойдин опа, дарднинг давоси Сизга нимада аён бўлади, рўё ёки дилингида бирорта ўзгариш се-зиладими?

Ойдин Солиҳ: Бу ва бошқа са-волларга жавобларимнинг тушунар-ли бўлиши учун ижозатингиз билан кичик тушунтириш бермоқчиман: биология факультетининг иккин-чи курси талабаси эдим, Шимо-лий Қутбда тадқиқот ўтказаятган биологлар гуруҳидан уларнинг озик-овқатларини еб қўйган бир оқ айикнинг тишлари оғригани ҳақида бир хабар келди. Инсонларнинг тиши оғришини билардик, аммо айикларнинг тиши оғришини бирин-чи марта эшитаётгандик.

Бу воқеа мени уй ҳайвонлари билан ваҳший ҳайвонларнинг соғлигини қиёслаб, мушоҳада юри-тишга ўргатди.

Ҳайвонларнинг соғлиқ жиҳатидан нақадар бир-бирдан фарқ қилишини сиз ҳам мутлақо кўргандирсиз: улар-нинг бир турининг териси ялтирок, ўзи кучли, ваҳший, чайир ва чакқон бўлса, иккинчи тури - айнан ўз хўжайинларига ўхшаган - кориндор, териси тўкилган, оёқлари ингичка уй ҳайвонлари!

Уларни кузатиш жараёни-да, ҳар қандай тирик организм-нинг соғлиги унинг нима билан озиклангани ила тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини англадим. Бу феноменни ўрганмасдан, тиббда олдинга юриш мумкин эмаслигига қаноат келтирдим. Ҳазм хусусида-ги қонунлар ва мизож фалсафаси тўғрисидаги энг муҳим билгиларни Ибн Синонинг китобларидан топ-дим. Шунингдек, овқатланиш муа-оммолари ҳақида япон ва Америка тадқиқотчиларининг фикрларидан фойдаландим. Аммо тибб ҳақдаги асос тасаввурим Ислом динини ўргана бошлаганимда шаклланди.

Айниқса, «Сўрангиз, Мен жавоб бераман», деган ояти карима менга жуда каттиқ таъсир қилди.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош